


## ХII. ҚОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ



Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотига кўра, 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 462 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) қорхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.

### Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2020 йил январь-июнь ҳолатига кўра)


	Хусусийлаштирилган қорхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	млн. сўм	жамига нисбатан фоизда
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>462</b>	<b>100,0</b>	<b>145468,9</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	30	6,5	2268,7	1,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	19	4,1	1335,6	1,0
Бухоро	25	5,4	13523,7	9,3
Жиззах	51	11,0	5255,4	3,6
Қашқадарё	52	11,3	5546,5	3,8
Навоий	10	2,2	1664,9	1,1
Наманган	14	3,0	15872,6	10,9
Самарқанд	33	7,1	3585,8	2,5
Сурхондарё	18	3,9	3365,7	2,3
Сирдарё	17	3,7	3179,5	2,2
Тошкент	82	17,8	15464,3	10,6
Фарғона	63	13,6	11123,0	7,6
Хоразм	14	3,0	4898,9	3,4
Тошкент ш.	34	7,4	40744,0	28,0
Агентлик МА	-	-	17640,4	12,1

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 82 та (17,8%), Фарғона вилоятида – 63 та (13,6%), Қашқадарё вилоятида – 52 та (11,3%), Жиззах вилоятида – 51 та (11,0%), Тошкент шаҳрида – 34 та (7,4%), Самарқанд вилоятида – 33 та (7,1%), Бухоро вилоятида – 25 та (5,4%) ни ташкил этди.

## Қорхона ва объектларни хусусийлаштириш



**2020 йилнинг январь-июнида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби (жамига нисбатан % да)**




- Маҳаллий ҳокимият органлари
- Давлат активларини бошқариш агентлиги
- Транспорт вазирлиги
- Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги
- Бошқалар

Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 237 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 51,3 % и), Давлат активларини бошқариш агентлигига – 67 та объект (14,5 %) , Транспорт вазирлиги – 25 та (5,4%), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 22 та (4,8%), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 7 та объект (1,5 %), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – 3 та объект (0,7 %) тўғри келади.

2020 йилнинг январь-июнида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 145,5 млрд. сўмни ташкил қилди.



**2020 йилнинг январь-июнида республика ҳудудлари кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар таркиби (жамига нисбатан % да)**



Ҳудудлар кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 28,0 % и), Агентлик МА (12,1 %), Тошкент (10,6 %), Бухоро (9,3 %), Фарғона (7,6 %) ва Жиззах (3,6 %) вилоятлари хиссасига тўғри келади.


**Корхона ва объектларни хусусийлаштириш**



➤ Давлат нотураар жой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2020 йилнинг январь-июнида объектларни ижарага бериш бўйича 17,5 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди.



➤ Натижада 3,9 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.



➤ Давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумлар жами 42,6 млрд. сўмни ташкил этди.



➤ Худудлар кесимида давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 66,5 % и), Андижон (5,9 %), Тошкент (5,1 %), Бухоро (3,7 %) ва Фарғона (3,0 %) вилоятларига тўғри келади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Давлат тасарруфидан чиқариш** – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

**Хусусийлаштириш** – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциядор жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

**Давлат кўчмас мулк объектлари бўйича савдолар (ким ошди савдолари)** – сотувчи ёки кўчмас мулк ташкилоти, шунингдек, ким ошди савдолари ва ким ошди савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот, шу жумладан, электрон шаклда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат кўчмас мулк объектларини сотишни ташкиллаштириш.

**Харидор** - қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мулки бўлган кўчмас мулк объекти (бундан буён матнда олди-сотди шартномаси деб юритилади) учун сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузган нодавлат юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

**Инвестиция мажбурияти** – инвестор томонидан инвестиция лойиҳасида назарда тутилган муайян мақсадларга эришиш учун олган мажбурияти.

**Ижтимоий мажбуриятлар** – пул қийматига эга бўлмаган ва қонунга зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган давлат мулкни сотишда харидор томонидан қабул қилинган мажбуриятлар.

**Аукцион** – танлов асосида харидор билан савдонинг шакли, бунда унга энг юқори нархни таклиф этган иштирокчи давлат мулкни сотиш шартномасини тузиш ҳуқуқини олади. Аукционлар очик ёки ёпик бўлиши мумкин.

**Балансда сақловчи** – балансида давлат кўчмас мулки бўлган юридик шахс.

**Бошланғич нарх** – ким ошди савдосига очик мулкни бериш учун сотувчи томонидан белгиланган нарх.